

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда - охириги кўриқ ёки газ таъминоти таъминоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб ёқидан кўн бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда - охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кўнгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимида бузилган газ кувурларида ёки ГТНларда асоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кўнгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда таъминоти газни истъёмол қилиш ҳолатлари аниқланганда - ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув қушини ва фактсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан олтиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истъёмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истъёмол қилинган таъминоти газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайда этилган маълумотлардан олинмади);

л) газ истъёмолчи ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руқсат этилган максимал ўлчов чегарасидан олтиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиқотларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтганини далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда жд - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштиришдан истъёмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўлган асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) -бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истъёмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмининг настиқи чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг настиқи чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Узстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўловлар Истъёмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса -экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ остиб чиқини ҳолатлари аниқланган тақдирда Истъёмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асоб-ускуналарни ишлаш графитини тузиши ва ишламай/диган газ асоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқини ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кўнгача, лекин даъво муддатидан кўн бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истъёмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истъёмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган олдинки газ ҳажми кийматиинг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истъёмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган таъминоти газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истъёмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига таъминоти газ етказиб берилган шартномада кўрсатилган олдинки таъминоти газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи миқдорда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истъёмол қилинган таъминоти газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот олинган охиригача амалга оширилади.

4.4. Истъёмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истъёмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истъёмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истъёмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истъёмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истъёмолчилар ҳисоб-китоб қилиши охи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадидлар.

4.8. Таъминоти газдан фойдаланишда Истъёмолчининг айби билан таъминоти газ етказиб беришга шартномада кўрсатилгандан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтариқмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.